

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 1 март
жума
Сотувда эркин нархда
№ 43 (2871)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OЛИЙ MAЖЛИСИ VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BAZИPЛАP MAҚAMACИHИHГ ГAZETACИ

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 28 февраль куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг норасмий учрашувида катнашиш учун Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида минтақа мамлакатлари ўртасида хар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳавфсизлик, террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Саммитда ўзаро ҳамкорлик бўйича бир неча ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида эса Ҳамдўстлик доирасида ўзаро му-

носабатларни янада кенгайтириш, Афғонистонда ўтказилаётган ақсилтеррор операцияси, гиёҳвандлик ва нарқобизнесга қарши кураш борасидаги ҳамда ёқилғи-энергетика соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Алмати. 28 февраль. ЎЗА махсус мухбири Анавар БОБОЕВ хабар қилади.

Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб

ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқбол билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий ҳавфсизлик, Афғонистондаги вазият, байриқонуний муҳожирилик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар икτισодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфра-тузилмаларини такомиллаштириш, сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис

этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Маълумки, бу катта ўзгаришга Ислам Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг декабри ойида Тошкентда асос солинган эди. Алматида имзоланган ҳужжат Президентларнинг Тошкентда қабул қилган Баёнотининг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низоом қабул қилинди. Ислам Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

МДХ раҳбарлари саммити доирасидаги музокаралар эртага бўлиб ўтади.

СУРАТДА: саммитдан лавҳа. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Сирларё вилоти фаолларининг Президент Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳкамасининг яқинда ўтказилган йиғилишида сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Шунингдек, ушбу мажлисда вилотнинг 2001 йилги иқтисодий-иқтисодий ривожланиши якулини, жорий йилда иқтисодларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисни вилот ҳокими А.Исроилов бошқарди.

Вилоят фаолларининг мажлиси

Мажлиса асосий эътибор қишлоқ ҳўжалигига, ҳуёсуан, пахтачилик муаммоларига қаратилди. Утган йили пахта тайёрлаш бўйича топшириқлар 59 фоизга бажарилган. Давлатга пахта сотиш шартнома режаларини бирорта ҳам туман уздамай олди. Масалан, Меҳнатобод, Мирза-Обод туманларида ўртача ҳўсёлдорлик гектаридан 10

фоизга ҳам етмади. Шу билан бирга, бундан ҳам паст ҳўсёл олган ҳўжаликлар ҳам бор. Ваҳоланки, бу ҳўжаликлар чигит, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш метериаллари билан тўлиқ таъминланганди. Вилотнинг юзга ақин фермер ҳўжалиги кўп минг сўмлик транш олган бўлса-да, бирок пахта топширмаган. Кўпчилик туманлар раҳбария-

ти пахта ҳўсёлдорлиги пастлигига суғориш сувларининг етишимаслиги сабаб бўлганини тўқиди. Ваҳоланки Оқолтин, Гулистон, Сайхунобод ва Бобёв туманларида сувдан фойдаланиш лимити ўтган йили 117 фоизни ташкил қилди. Мажлис иштирокчилари пахтачилик соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этиш

борасида ўз фикрларини билдирди. Энг асосийси — ер ва сувдан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, фермерларга молиявий ёрдам кўрсатиш зарур. Банклар, бошқа кредит-молия муассасалари томонидан қишлоқ меҳнатқашларига эътибор қаратилмапти. Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ҳўрибосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Т.Ҳолтёев сўзга чиқди.

Т. АҲМАДАЛИЕВ, ЎЗА мухбири.

Ватан азиз!

ИҚТИДОРКИ, ҲАҚНИ СЎЗЛАСИН

— Қасамд қиламан! Қасамд қиламан!.. Ўғлимнинг овози ҳаёлларимни сочиб ташлади. Қарасам, телевизорда «Сардор» номли бодий фильмининг томоша қилаётган олти ёшли ўғлим телевизор қаршида гоз турибди, қўлида очик китоб. Экранда ҳарбий билим юрти курсантлари ҳарбий қасамд қабул қилишяпти, ўғлим эса уларнинг ҳар бир сўзини кетма-кет қайтаряпти. (Бу ёшдаги ўғил болалар ичида ҳарбий касбга, ҳарбий кийимдаги қиличдек йиғитларга ҳавас билан тақдир қилмайдиганлари жуда кам бўлади).

— Бўлди, бақираверма, ишлашимга ҳалақит берясан! — деб уришдим ўғлимни.

— Ҳозир, тўхтаб туринг, қасамд қилиб бўлай, — бўш келмади у.

— Яхши, курсантлар-ку, генералга қасамд қилишяпти, сен-чи? — дедим ҳаёлим бўлиганидан аччиғим чиқиб.

— Мен Президентга қасамд қиламан! — Узича мағрур жавоб берди ўғлим.

Қарасам, унинг қўлидаги Юртбошимизнинг «Маънавий юксалиш йўлида» номли китоби бўлиб, очилган саҳифасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг бир аскар йиғитни бағрига босиб, кўтариб тургани тасвирланган экан.

— Ҳўш, аскаржон, Президентга нима деб қасамд қилиясан? — энди сал юмшаб, қизичқиниб сўрадим.

— Ватанимга хизмат қиламан! — овозининг борича хайқирди «аскарим».

Ярмида узилган мақола чалалигича қолди. Ўғлим билан бир дақиқалик сўхбат менда ғалати бир кайфият уйғотди. Бунга қаранг-а, бу ёшда биз Ватанга хизмат қилиш нелиги у ёқда турсин. Ўзбекистон фарзанди эканлигининг ҳам инкор этиб, «Орлята учатся летать» қабилдаги қўшиқларни айтиб юрарлик. Ўзбек номини, иқтидори ва салоҳиятини оламга танитган, тан олдириб тарихда номи қолган ал-Хоразмий, ат-Термизий, ал-Бухорий каби қўлаб буюк бобакалонларимизнинг ҳатто исмини ҳам эшитмагандик...

— Ҳозир эса ўғлимга жулғам ҳавасим келди. Мустақил юрт фарзандлари, олти ёшдаёқ Ватан нелигини тушуинган. Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурч эканлигини англаб етган болалар — Ўзбекистоннинг эртанги кўни.

Ҳалтдан ўзини ўзбек деб атамай ўта меҳнатқаш, гурури тоғлардан-да баланд, меҳри кўшдан-да қайноқ элининг хизматига чоғланган...

Ватан азиз, Ватан муқаддас, деймиз. Аммо билсам, Ватаннинг муқаддаслиги қоғога эмас, юракка битилган бўлиши керак экан. Она юртва бўлган муҳаббат она сўти билан бирга фарзанд вужудига жо бўлиши керак экан. Шундан инсон «Ватан» дея ҳайқириб одам-жаҳонга жар солмаса-да, керак бўлган пайтда ўз юрти, ҳалқининг тинчлиги учун жингитна жон фидо қила олади. Биз бунга Фарғона, Ўш, Паркент, Бўка воқеалари ўз берганда тўғиб бўлдик. 1999 йил 16 февраль воқеалари эса ўш йилдан бери ҳўшёрликка, оғоҳчиқка чакриб келаятган Ўзбекистон Президентининг нақадар ҳақлигини исботлади.

Иносинят ўз вужудига па-

тос боғлаб, кун сайин чуқурлашиб бораётган ярани қирқиб ташлаш лозимлигини энди тушуиниб етди. Ахир инсон ёвуз бўлиб туғилмайди, унинг зуваласи эзгулик ва бунёдкорликдан қорилди. Ўзи билан тенг ҳўқуқли инсонларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилиш ҳўқуқи эса ҳеч бир одамга, у гарчи ўзини конитни сўраб турмуви деб билса-да, берилмаган. Ватан туйғуси бегона бўлган, қабодат ва биродарқушликни ўзига касб қилиб олганлар касрига заҳмаккаш афғон замини қарий чорак асрдан бери қон-қақшаб ётди. Инсонлар қай тилда сўзлашяпти, қай ирққа мансублигини қай назар, барининг Ватани битта — курраи замин! Шундай экан, она заминимизнинг тинчлиги, бутлиги ва раванки ўз қўлимида бўлмоғи керак...

«Бир каттадан ўрган, бир кичикдан», дейди доно ҳалқимиз. Мен эса фарзандимдан бир сабоқ олдим. Энг муҳими, ўзим шу вақтгача тан олмаган бир ҳақиқатни англаб кетдим. Асрининг учдан бирини яшаб қўйган эсам-да, шу пайтгача ҳаётга ҳолис назар билан боқиб, ҳалоқ яшаса бас», дедим ва ўзимни ҳақ деб билардим. Энди билсам, давлат снбсати, ҳалқнинг турмуш-турмуши, юрт фаровонлиги, раванки ҳақида ўйламаган, жон қўйдирмаган иждоқор ҳолис бўлолмас экан. Ҳалқнинг сўзини, ҳақнинг сўзини сўзламаган иқтидордан не наф?

Ҳечдан кўра кеч, дегандек бир умр ҳатосини сезмай яшайдиган кўра кечроқ бўлса-да кўзинг очилиб, ҳатотини туташиш учун имкон топган афзалдир. Тушуиндиким, одамлардан чеккада, ўз қобилига ўралганча куймай-ёймай, «тутаби» яшаган иждоқор, у гарчи гўзал асарлар битса-да, Ватан дардига маҳкам бўлолмас экан...

— Ойижон, китобингизни сўрамай олганимга ҳақингиз чиқаяптими? — деб сўради ўғлим.

Менинг узок жим бўлиб қолганимни у ўзича тушуинган ва ўзини гуноҳдор ҳис қилаётганди.

— Йўғ-э, ўғлим, энди ҳақлим чиқмаяпти, — дедим унга. — Олақот, шу китоб сенга.

«Ватан» дея тили чикқан фарзандларимиз бор экан, демак дунёда эзгуликнинг тантанаси муқаддас. Боғча ёшдаёқ Ватан туйғуси нелигини англаган фарзандларимиз бор экан, эртанги кўнимиздан қўнғил тўқ. Бу мулобага эмас. Бу — ҳақиқат. Ҳақиқат эса доим ҳам аниқ бўлавермайди. Ҳақиқатнинг тантанаси жуда гўзал бўлади. Бунга Ўзбекистон мустақил бўлганидан бери эришган ютуқларининг ўзбек исботлаб турибди.

Мухаббат Йўлдошева, ёзувчи.

Мамлакатимизда

• Мана, уч йилдирки, вилот дехқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси Американинг «Глобал Отрич» ташкилати билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд куч ва имкониятлардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамият касб этапти.

• Ҳадемай 35 нафар андижонлик фермер билим ва тажриба ошириш учун АҚШга йўл олади. Шу мақсадда улар инглиз тилини пухта ўрганиш, дехқончилик ва чорвачилик соҳасидаги дунёвий тасавурларини бойитишга ҳаракат қилишяпти.

• Наврўз байрами муносабати билан Наманган вилотида ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ойлиги эълон қилинди. Ушбу тадбирда нафақат корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари, балки мактаб ўқувчилари ҳамда оддий фуқаролар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Аини кунда 30 минг гул гул, шунингдек, кўплаб мевали ва манзарали кўчатлар экиш учун тайёрлаб қўйилган. Энг муҳими, умум-ҳалқ ҳашари доирасида бир қатор хайрия тадбирларини амалга ошириш ҳам, кўзда тутилмапти.

• Ўзбек ҳўнармандчилиги кўп асрлик бой ва тақорланмас аъёналарга эгдир. Улар авлоддан авлодга ўтиб, тобора сайқал топмоқда. Бунинг Нуробод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

• «Саҳоб ота» ширкат ҳўжалигида ташкил этилган тилан тўқини цехи қишлоқ хотин-қизлардан 40 нафарини ўз ичига олди. Улар янги касб сирларини кўн билан эгаллашмоқда. Тадбиркор Ф.Раҳमतованинг айтишича, яқин келажакда тилан-пўндоқ ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳисса кўпади.

• Спорт ишқибозларининг яна бир орузи ушланди: Жиззах вилотида олти спорт федерацияси ташкил этилди. Фақат шунгина эмас. Жиззах туманидаги Учтепа кўрғони ҳудудида янги спортлар учун 87 гектар майдон ажратилди. Бу ерда 760 млн. сўмлик курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан, 4 минг ўрилли очик соҳа, меҳмонхона, 100 бош йилқига мўлжалланган отхона, олти мактаби барпо этилади. Янги мажмуани мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмапти.

«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс».

ДИҚҚАТ: БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

АЛЛО, СИЗНИ ҚЎМИТА РАИСИ ЭШИТАДИ!

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари! Шу йил 12 март кўни соат 10⁰⁰ дан 12⁰⁰ гача сизлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Хўжаев телефон орқали мулоқот соатлари ўтказилади.

Агар солиқ билан боғлиқ саволларингизга шахсан қўмита раисидан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша кунни куйидаги рақамли телефонларга кўнғирок қилинг: (8-371) 144-89-29, 144-44-51.

Мабодо қўмита раисига берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кўнлари соат 10⁰⁰ дан кеч соат 18⁰⁰ гача бевосита тахририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 132-10-65 рақамли телефон орқали баён этишингиз ҳам мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

Чет элларда

• Исроил ҳарбий бўлинмаларининг Фаластин миллий мухториятига қарши Наблус ва Женин шаҳарларида ўтказган рейдлари натижасида олти киши қурбон бўлган. Фаластин ахборот маҳкамалари тарқатган маълумотга кўра, ҳалок бўлганларнинг беш нафари Фаластин миллий мухторияти ҳавфсизлик кўчалари хизматчилари эди.

• Стенфорд университети раҳбарияти Покистонда ўлдирилган журналист Даниел Перлнинг номи билан аталадиган фонд ташкил этишни эълон қилган. Унга тушган маблағ ёш журналистларни қўллаб-қувватлашга сарфланади. Эслатиб ўтамиз: Wall Street Journal газетаси мухбири Даниел Перл Стенфорд университетини 1985 йилда таъмомлаган эди.

• «Курск» сувости кемасининг учинчи бўлимидан топилган денгизчилик жасади аниқланган. Экспертлар у учинчи ранг капитани Андрей Рудаков эканлигини тасдиқлашган. Шундай қилиб ушбу кемани топилган 94 денгизчи жасадида 92 нафарининг шахси аниқланган.

• Кеча Истамбулда зилзила содир бўлган. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,8 баллини ташкил этган. Зилзила маркази шаҳарнинг гарбий томонида жойлашган бўлиб, ҳозирча қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

«Интернет».

Янги замон одамлари

ҚУРБОНОВНИНГ ГУМАРИ

Бу гапнинг чиққанига Яққабобда анча бўлди

Файласуф ошман бор. У бир гапни кўп айтади: одамзод кун ва кунора қилаётган ишни, юриш-туриши, гапи, қилиги билан ўзининг сувартини чиғади, асл сийратини яратди. Лекин буни ўзи кунда англамайди. Халқ эса она шу суварат ва сийратни кўриб туради. Шунга қараб баҳосини беради: ахсини ахши дейди, ёмонни ёмон.

ИЗЛАНГАН КАМ БЎЛМАС

Гулор Курбонов бошлиқ бўлиб тайинланганда, «Яққабоб дон маҳсулотлари» корхонаси фақат галла, ун, гуручни қабул қилиб, тарқатарди. Корхонанинг иқтисодий ёри аҳолига, тевакар-атрофи балиқчилик иборат эди. У энг шимқиб ишта киришди. Натияжада икки йилдан кейин тегирмон цехи ҳудуд битказилди, орадан йил ўтиб, омикта ес цехи ишла туширилди. Шунда ҳам у изланишдан тўхтамади. Эл учун, гуруч учун фойда келтиришга ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш, уни янги технология ва ноёб ускуналар билан жаҳозлашга интилди. Шу тариқа 2 та нон цехи, биоозуқ цехи пайдо бўлди, уларнинг ҳаммасига табиий газ уланди. Кейинроқ эса, мавжуд тегирмон цехига Швейцариянинг «Биолер» фирмасининг ускуналарини ўрнатди. Бу ишта 160 миллион сўм сарфланди. Пирова-рида бир кеча-кундузда 140 тонна бугдойни қайта ишлаш имкони яратилди. Энг асосийси, ишлаб чиқаришнинг биринчи ва олий навли ун жаҳон андозасига тўла жавоб бермоқда. Бу унлардан эса Германия технологияси асосида макарон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

урилди: сара уруғлик тайёрлаш цехида 64 минг АҚШ долларлик Германиянинг «Петкус» ускунаси монтаж қилинди. Айни пайтда туманларда етиштирилган дон шу ерда сараланмоқда. Булар корхонага нима бери-ди? Уттан йили 34 минг 333 тонна ун ишлаб чиқарилди. Холбуки, 1999 йилда бу кўрсаткич 27 минг 204 тонна иш ташкил этган эди. Бултур, шунингдек, 9686 тонна, аввалги йилдан 2022 тонна кўп келак, 14766,5 тонна омикта ес, 423 тонна ўрнига 908 тонна макарон маҳсулот-лари, 60 тонна ўрнига 129 тонна биоозуқ тайёрланди. Қандолат маҳсулотлари эса 318 тоннага етди. Бундан ташқари, 7729 тонна уруғлик галла тайёрланди, ҳужайдаларга ет-казиб берилди. Оқибатда якун-да 109085 минг сўм соф фойда олинди. Усиш борми? Бор. Шу боис ўртача ойлик иш ҳақи 32681 сўмни ташкил қилди.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРАМА ДАРОМАД

Ақл билан пул топган одам уни сарфлашни ҳам, аниқроғи, нималарга ишлатишни ҳам билади. Бунга корхонада бўлганимизда, янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдик. Қаранг, истиқ-лолнинг илк йилида корхона ишчи-хизматчилари ва туман-дошларнинг фарзандлари учун замонавий болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топши-рилган. Бу ёш авлоднинг кел-ажалини уйлаб қўйилган даст-лабки катта қўлдан эди. Сунгра ошона ишта туширилиб, жа-моа аҳли учун оқдониш те-кин қилиб қўйилди. Шундай бўлгач, ким жон куйдириб иш-

ламайди дейсиз? Жон фило қилиб ишлаётган одам эса гузал ва ораста ҳам бўлиши керакми? Керак. Шу мақсад-да гузаллик саломи, ҳаммом, сауна, соғомлаштириш мар-кази барпо этилди. Савао рас-талари, музқаймоқ цехи, до-рихона, замонавий усулда, шарқона қилиб қурилган «Ал-Маъруф» супермаркети, ме-хмонхона очилди. Иссиқхона-да сабзот қучатлари, помид-ор ва бодиринг етиштириш йўлга қўйилган бўлса, лимо-нарийда лимон, апельсин, ман-даринлар ўстирилмоқда. Шу ўринда корхонанинг ёрдамчи ҳужайлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Унинг ёрдамида ишчи-хизматчилар-га қишлоқ ҳўжалик ва чорва-чилик маҳсулотларини арзон нарха қилиб қилиш имкони яратилди. Сут-қатқ эса бе-пул берилмоқда. Уттан йили етиштирилган 760 килограмм асалдан нафақат жамоа, балки меҳнат фахрийлари, корхона оталиғидagi мактабларнинг ўқитувчиларига ўқувчилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Яқин ишлаб, мўмай да-ромад топаётган одамлар янги, динғиллама уйларида яшашга ҳақлими? Албатта. Шу ниятда 50 та уй қуриб битказилди. Ишчи-хизмат-чилар арзон нарха бу уй-ларни сотиб олиб, ҳовли тўйларни ўтказдилар. Дарвоқе, бу ерда раҳбардан тортиб оқий ишчи-хизматчи-гача гулга меҳр қўйган. Шу-нинг учун Яққабобга кириве-ришдан то корхонагача бўлган йўлнинг икки тарафи дарак-тору гулзор. Йил бўйи яшаб турган гуллар эса ўтган те-ктанинг кўзини ўйнатиб, ди-лини яратиб туради. Мана шундан «Қурбоннинг гул-лари» деган ибора эл оғзига тушди.

Гулор Курбонов билан суҳбатласангиз, сизда ҳам қандайдир қатъият пайдо бўлганлигини ўзингиз сезмай қоласиз. Ундаги интилиш сизга ҳам юқсади. — Бир маҳаллар лалми ерларда узум етиштирилган, — дейди у. — Нега ҳозир бу анана унутилди? Биз ана шунинг тикламоқчимиз. Узум ва меваларни қайта ишлашчи, шербатлар тайёрлайдиган қўшма корхона очиб ҳаракатидамиз. Лой-ҳалор ҳужжатлар тайёр. Ер ҳам ажратилган. Худо хоҳлса, яқин орада ния-тимиз ушалоқда. Қолаверса, помидорни ҳам қайта ишлаб, томат пастаси тайёрлаб, чиройли идишларга қодоклаб, истеъмолчиларга етказмоқчимиз. Шунингдек, сут-дон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Булар куруқ гап эмас, яқин 2-3 йилда амалга ошадиган тадбирлар. «Яққабоб дон маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятида илгари бажарилган ишлар шундай дейишимизга асос бўла олади.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Референдумнинг нати-жалари эндиликда ҳар би-римиз ундан маълум бир ҳулосалар чиқаришимизни, фикр-мулоҳаза юритиши-мизни тақозо этади. Энг аввало, шу нарсани қатъ-ий таъкидлаш лозимки, 27 январь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдуми мамлақати-миз ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик анъа-налар мустақам ўрин ол-ганини кўрсатди. Умумалқ овоз бериши очик-ошқора демократик асосда ўтган-лиги хоржий давлатлар, халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситала-ри томонидан ҳам эъти-роф этилди. Овоз беришда рўйхатга киритилган фуқ-арларнинг 91,58 фоизи иш-тирок этгани халқимиз-нинг мамлақатда бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва иж-тимоий ўзгаришларга бе-фарқ эмаслигини, сиёсий-ҳуқуқий маданияти дара-жаси янада юксалганини, Асосий Қонунда белги-лаб қўйилган конституций ҳуқуқларидан нечоғлик фойдалана олишини кўрсатди.

Маълумки, бирон-бир давлат фуқароларининг жа-мият ва давлат ҳаётига оид муҳим масалалар юзасидан ўтказилган умумхалқ овоз беришида ҳар бир айтиш эҳсон, балки халқ ҳокимияти, ҳуқуқ ва эркинликнинг кафолати-нинг реал механизми мар-жудлиги, қонуний ва тар-тиб-интизомга итоат этиш-тир. Демак, иқтисодий ҳу-қуқ фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалганини, қонуний ҳурматнинг маъмулчилигини, айни пайтда мамлақатимиз иқтисодий бозор тамо-лиллари асосида ривож-лана бориб, иқтисодий бар-

Референдумдан сўнг



нинг сиёсий фаоллиги тўғрисида фикр юритиш ҳам мумкин эмас. Биз ай-рим давлатларда сайловлар белгиланган вақтда ўтказилмай қолишидан, сайлов-лар чоғида ҳуқуқмат қар-ши норозилик намоийш-лари бўлиб туришидан омма-вий ахборот воситалари ор-қали хабардоримиз, албатта. Ғарбдаги ривожланган дав-

лабларнинг аксарият сиё-сатдонлари демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳақида га-пиришни хуш қўрадилар. Айрим ана шу каби давлат-ларда иқтисодий ва молия-вий инқирозлар бўлиб тур-ган бир пайтда чинакам де-мократия хусусида гапириш мумкинми?! Демократия ўзибўларчилик, хоҳлаган ишнинг қилиш, хоҳлаган сўзини айтиш эмас, балки халқ ҳокимияти, ҳуқуқ ва эркинликнинг кафолати-нинг реал механизми мар-жудлиги, қонуний ва тар-тиб-интизомга итоат этиш-тир. Демак, иқтисодий ҳу-қуқ фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалганини, қонуний ҳурматнинг маъмулчилигини, айни пайтда мамлақатимиз иқтисодий бозор тамо-лиллари асосида ривож-лана бориб, иқтисодий бар-

КЕЛАЖАКНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

қарорликка эришаётганини кўрсатди. Овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 93,65 фоизи парламентнинг икки палата-лини қилиб сайланишини ёқлаб овоз бердилар. Бу эса мамлақатимиз сиёсий ҳаёти-нинг, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасининг то-бора эркинлашаётганининг, фуқаролар ушбу жараён-ларда фаол иштирок этаётган-лигининг ёрқин намуна-сидир. Бу аввало, бугунги кунга келиб ҳокимият вако-латини тақсимлашни та-моийлига асосан ташкил то-йилган Олий Мажлисининг тўрача ҳокимиятга айлан-ган, етарли профессионал тахрибга тўплагани, миллий парламентаризм анъаналари ривожланганини, мамлақатимизда етарли даражада ма-млакатли юристлар, сиёсатш-нослар, иқтисодчилар ети-

мамлакатларда парламент-нинг нечта палатадан иборат бўлиши масаласи сиё-сий баҳслар учун мавзу ҳисобланмайди. Компартия ҳуқуқронлик қилган собиқ совет тоталитаризми дав-рида социалистик доктрина та-рафдорлари парламент бит-та палатали бўлишини ёқлаб, гўёки бу чинакам де-мократия эканлиги, фақат федератив давлат тузилиши-га эга давлатлардагина (яъни мураккаб давлатлар-да) икки палатали парла-мент бўлиши мумкин деб ҳисоблаганлар. Лекин уни-тар (яъни оқий) давлат ҳисобланган Франция, Ита-лия, Испания, Польша каби давлатларда ҳам парламент икки палатали бўлиб, юқори палата маъмурий-ҳудудий бриқлар бўйича шаклланти-рилганлигини етарли изохлаб бери олмаганлар. Албатта, қонулар қабул

қилиш ҳукмрон партия қарорларини расмийлаш-тириб қўйишининга ибор-ат бўлган тоталитар ша-роитда икки палатали пар-ламент ҳақида ўйлаш ҳам мумкин бўлмаган. Мустақил Ўзбекистонда, юқорида таъкидланган-дек, реал шарт-шароит-ларнинг пишиб етилганли-ги боис халқимиз ўз иро-дасини ифодалаб берди. Бунинг ана бир муҳим жи-ҳати шундаки, қонун чи-қарувчи орган бўлиши Олий Мажлисининг ўзи ҳам ҳокимият бўлишини та-моийлига асосан «бир-би-рини кузатиб ва тийиб ту-радиган» икки палатадан иборат бўлади, муқамал қонулар қабул қилини-шига ҳамда мамлақатдаги барча ҳудудлар шариоитла-ри тепа-тенг ҳимоя қили-нишига эришилади. Қола-верса, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқари-лган бозор иқтисодиёти-га ўтишининг сиёсий та-моийлигини босиб ислохот-ларни боққича-боққича амалга ошириш сиёсати бўлиб, миллий парламентаризмнинг ҳаётида ҳам на-батдаги боққича қадам қўйилди.

Демак, референдум-нинг натижалари бугунги кун сиёсати ана шу мам-лакат фуқаролари томо-нидан тўла қўллаб-қувват-ланаётганлигини ҳам ан-глашди. Улар келажиги-ни муаммога ишондилар. Ва бу билан келажигимиз учун яна бир тамал тоши қўйилганини теран ан-гайландилар.

Зоҳиджон ВОҲИДОВ, юридик фанлар номзоди.

Ғолиблар сараланди

Фаргона вилоятида «Ташаббус-2002» кўрик-танловининг вилоят бос-қичи якунланди.

Танлов иштирокчилари ўзлари ишлаб чиқарган ранг-баранг маҳсулотлар-ни намоийш қилиш билан бирга ўрта ва кичик биз-несни ривожлантириш, янги иш ўринлари яра-тиш, иқтисодий самара-дорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини оши-риш, рақобатбардор маҳ-сулот ишлаб чиқариш ва четга экспорт қилиш бо-расида амалга ошираёт-ган ишлари ҳақида маъл-умот ҳам беришди. Тошлоқ туманидаги «Эрқабобов» фермер ҳўжалиги раҳбари Мак-суда Эрқабобова «Энг яхши фермер», Фаргона шаҳ-ридаги «Сайқал» корхо-наси раҳбари Абдурах-мон Нисёзов «Энг яхши тадбиркор», фарғоналик қандокор уста Зоҳиржон Ғофуров «Энг яхши хўнараманд» деб топилди. Р.КАМОЛОВ, ўза мухбири.

Мухбиримиз сафардан қайтди

Мен ўша кун Бухорода эдим. 14 февраль — Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 2001 йил яку-нлари бағишланган йилгилиги бўлган кунини айтаман. Теле-визор олдига ўтириб томоша қилдим мажлисини. Дарвоқе, мен ёлғиз эмасдим. Ёнимда ана икки киши йимғили-да жарангаётган халқона — очик ва аччиқ гаплардан тас-вир-лашиб ўтирарди. Бирини вилоят-да фаолият кўрсатаётган «Тад-биркор оила» уюшмаси раиси Дилором Нарзуллаева, иккинчи-си шу уюшма аъзоси, таъбир жоиз бўлса, унинг кўмағида Таш-қи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Бухородаги филиали-дан 5 миллион сўм кредит олиб оёққа турган «Лолохон» ўқу-в-ишлаб чиқариш кичик корхо-на-си раҳбари Лола Темирова.



ДАРДСИЗЛИК ДАРДИ

Мамлақатимизда кичик ва ўрта бизнес, ҳусусий тадбир-корликни ривожлантириш бўйича шу пайтгача ҳал қилиниши керак бўлган, аммо ҳануз айрим муасад-диларнинг бефарқлиги, ло-қандлиги, ёниб яшамаслиги туфайли ечимини кутаётган муаммолар ҳақида қунонб гапирди Юрбошимиз.

— Бундай олиб қараганда, республикамизда тадбиркор-ликнинг ҳуқуқий асоси яра-тилган, соҳа ривожига ҳисса қўшаман дегувчиларга йўл очик, — дейди Л. Темирова. — Лекин бизда ана бир му-ҳим омилнинг таъқислиги се-рожат қилдик. Мақсад нима? Ҳамкорлик ва ишнинг тезроқ йўлга қўйиш учун уларнинг кўмағини олиш. Кутасиз. Қайта мувожабат қиласиз. Кутасиз. Ойлар ҳам ўтадики, жавоб бўлмади. Вақтинг кетди — на-қандинг кетди. Мана, дардсизлик дарди. Биз катта маблаг сура-ётганимиз йўқ. Ҳеч бўлмаса ус-лубий, маънавий қўллаб-қув-ватлаш мумкин-ку. Вилоят то-вар ишлаб чиқарувчилар ва тад-биркорлар палатаси эса расми-ятчилик билан овора. Биз қилаётган ишлар, ўтказётган тадбирларимиз, хорж билан ҳамкорликнинг тўғрисида йўлаб ҳам кўрмайди. Ҳеч қандай ёр-

масида жамоат ташкилати сифатида рўйхатга олинган. Ҳозирда 300 га яқин юридик шахс унга аъзо бўлиб қарган. Уюшма қошида очилган «Умид» театр-студиясида асо-сан ёшлар тарбияси, гўёқанди-лик, ичкикибоқлик, бекорчи-ликдан келиб қақадиган ёшона оқибатларнинг оқибати ошига қаратилган таъбирлар ўткази-лади. Уюшма ўз йўналиши-дан ташқари ижтимоий ҳимоя масалаларида ҳам фаол ишти-роқ этади. 20 нафар катта ёшлар, яна шунча ногирон бо-лаларга беминнат ёрдам кўрсатилган, кўзи оғизлар жамияти билан иш олиб бо-риладиганликни қўшимча далали бўлиши мумкин.

бирлари билан қизикиб қол-ди. Ушбу корпорациянинг нуфузли вақили Андрей Ри-жонин Бухорога келиб уюш-ма фаолияти билан таниш-ди. Таассуротлари бирер бўлгани учун ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Мо-домки, ривожланган давлат-лар мутахассисларини ром этаётган уюшма мамлақати-мизда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга кўмак бера олиши шўбҳасиз. Бунинг учун «Тадбиркор оила»нинг фаолият доираси-ни кенгайтириш, бир қадар имтиёзлар яратиб керак бўлади.

Айтилик, ҳар йили мам-лақатимизда бир нечта ном-инация бўйича «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказилди. Ана шу номинишлар катори-га «Энг яхши тадбиркор оила» танлови киртилса, фойдалан ҳоли бўлмасин. Уюшма шундай таклиф бил-ан чиқиб Бухоро вилояти миқдосида бунга эришти ҳам. Ва у ўз самарасини бермоқ-да. Бу номинишга бўйича ўтган йили глобаликни қўлга киритган «Лолохон» ўқу-в-ишлаб чиқариш корхонаси-ни олинг. Ҳозир бу ерда 20 киши иш билан таъминлан-ган. 20 нафар ёшлар зарфа-злик, гиламмузлик сирларни ўрганимоқда. — Ҳозир анча қийинчи-ликни бошдан кечираётган бўлса-да, бериб қайганим-тим баланд, — дейди қай-лашар чоғимиз Дилором оғу — Давлатимиз раҳбариди куончилик, юртин обод-фаровон қилиш дараи бонд муассасидарига ҳам юқиди. Мана, масалан, яқинда О-вар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорлар палатасининг Бухоро шаҳар бўлимининг раҳбар тайинланди ва ҳам-корликда ишлашни ақлиф қилди. Шунинг ўзи кўла дал-да, маънавий қувватли.

Озод РАҲБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: Лола Темирова Лоғирлар билан; Дилором Нарзуллаева (ўртада) хоржий шериклар билан ташкил қилинган ўқув семинарида.

ЖАЛОЛ МЕҲНАТ ГАШТИ

Толзор. Ташқарида изги-рин. Муъжаз хонада маҳалла-дошлар жамулжам. Бир пиё-ла ҳоқ устидаги гуруч қиз-гандан қизийди. Гап трик-тиданки, қунақлик юмушларга бориб тақалганда, Сувоьдуз маҳалласида истиқомат қи-лувчи Мамитали Худойбердиев ҳар талидек тўлганларнинг ниҳонини ўзига қаратади: — Чорва билан парранда-нинг турган битгани фойда. Аммо биринчи йили хийла қийинчилиги бор. Бориб-бо-риб чўмичингиз ҳам, қозони-нгиз ҳам мойта тўлмасе, мана, мен қабили.

мехнати оғир, деб эшитамиз... — Ие, қизик гапни гапир-дингиз-ку, ука, — савол бер-гунгизга юзланди Нейматжон. — Тоққа чикмасангиз, дўлона қайда. Яхши яшашни истаган одам терлаб-терлаб меҳнат қилади-да. Биласиз, оилда етти жонмиз. Ҳаммамиз учун белгиланган вазифа бор. — Баҳор ўрталарига бориб, иссиқхона бўшаб қолади-ку. — Йўқ, ундай эмас. Бизда ҳар қарич ер ҳисобда. Юмшоқ

бўлса, оиланинг энг катта ба-хти шу. Ваҳобжон Темиров ҳалолдан топганини йиғиб-териб отаси эгатига ташлади, хайрли амаллари билан қўпчи-ликнинг дуосини олдн. Ана шу йилгит энди яна бир хайрли ишта қўлга урмоқчи. — Раҳмат, Ваҳобжон, — кўнгли товланди отанинг. — Ўлим хўнарли бўлса, нур ус-тига аёло нур. Эртагаёқ олдин-гизга юбораман. Гап гапта уланди, суҳбат

Худойбердиев ёз бўйи тўрт ўғли билан далада роса тер-лади. Ҳовлисида дон ҳам, хашак ҳам сигмай кетди. Да-ромад икки-уч миллиондан кам бўлмади. Иттифоқчилар уруғ етиш-тиришдан даромад топшича, Сувоьдуз маҳалласи аҳли чорвага илхос қўйган. Суҳ-батимиз бошида таъкидлан-ганидек, ҳамқишлоқларини чорвачилик билан шуғуллан-ишига даъват этган, улар қоронига чўғ ташлаган Мамитали Худойбердиев миниб юрган автомобилнинг сотиб, пулига бир нечта қорамол олди. Бундан афсуслангани йўқ. Чунки чорва туфайли қозони ҳам, чўмичи ҳам мей. Кўшини Шавкатбек Мали-ковнинг мол-қўйларига бу-гун қўйларнинг ҳаваси кела-ди. Маҳаллачилар чорвачи-лик етти хазинанинг бири эканини амалда намоён эти-шаётир.

Сир бўлмаса, айтинг-чи, мол-ҳолдан нечта? — зимдан лўкма ташлайди кимдир. — Боқунга қўйилган нав-восининг ўзидан ўн бешта, оққўнтилик билан жавоб қайтарди Мамитали. — Чорвам ўз йўлига, — Узиникини маъқуллайди Қашқар маҳалласида яшовчи Нейматжон Режапов. — Мен-нича, иссиқхонага етганин йўқ. Олти-етти сотиқ ер-дан жарак-жарак даромад ола-си. Қишдан то баҳор охи-р-дигунга қадар одамларга бол-ринг, помидор, ошқўқ етказ-иб бериб, уларнинг дуосини ол-иш бу ҳисобга кирмайди. — Ака, иссиқхонанинг

чопик қилиб, қарам, помидор, картошка экамиз. Ҳосили қора қозонимизга ярайди. Томор-қангиз бўлса, сиз ҳам сабз-овотчилик билан шуғуллангиз, кам бўлмайсиз. Даврада жонланиш сезилди. Ўтирганлар айтилган гап-суварининг мағзини қақишга ҳаракат қилишарди. Шу пайт кимдир лўкма ташлади. — Бой-балавлат бўлишини истасангиз, ўғилларингизни менга шоғирликка беринг. Ҳамма қўшини сурида ош учун масаллик тайёрлаётган Ваҳобжонга қаради. Айрончи маҳ-алласида яшовчи бу йилгит диван-кресло тайёрлашга эл оғзи-га тушган. Унинг қўлидан чиқ-қан мебеллар бутун ўйлаб, юз-лаб хондонларни безаб туриб-ди. Хатто кўшини Қирғизистон, Туркманистон, Қозғистон ял-лоларига қариб борган, де-сақ хато қўлмаймиз. Фарзанд оқид, меҳнатқаш

қўр олади. — Маҳалламизда 3100 на-фар одам истиқомат қилади, — дейди Орис қишлоқ оқсоқоли Омонбой Баҳромов. — Маҳал-ла — аҳиллик, ҳамжиҳатлик кўрғони. Бу кўрғоннинг нечоғ-лик мустақамлиги биз, маҳал-лашларнинг оқидлик билан иш тутушимиз ва самарали меҳнат қилишимизга боғлиқ. Дарҳақиқат, шундай Ол-тинқўл туманидаги Сувоьдуз қишлоғи аҳолиси ҳалол меҳ-нат орқасидан обрў ва эъти-бор топмоқда. Қишлоқда етти маҳалла мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўз «иҳтисоси»га эга. Ма-салан, Айрончи маҳалласида яшовчилар асосан диван-крес-ло тайёрлаш билан шуғуллан-ишча, ориеликлар сулуриги етиштиришнинг ҳадисини олишган. Уларнинг қўлчи-лиги бўлганда бўшаган май-донларга сулуриги экади. На-тижа чакки эмас. Олимжон ака

Одилжон ШОДОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Баҳорнинг ilk кuni бошланди. Майин ва юмшоқ ҳаво хосиятли нафаси билан борлиққа гўзаллик ато этаётир. Еру кўк ўртасидаги жамки бор нарсалар яшариш ишқига мубтало. Қўшқиларни кучоқлаб олган қор эриб, жилғага айланади. Дарахт шохларида бўртиб ётган куртакларнинг гул очиб фурсати яқин. Ушбу манзараларни кўрган ва тўйиб бир нафас олган одамнинг юрагида ҳам яшариш бошланади.

врузнома»сида Наврўз нишонланиши ҳақидаги ривоятларни подшоҳ Жамшид даврига тақайди. Бироқ тарихда баҳор байрами Жамшид подшоҳлигигача ҳам

димги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай сатрлар бор: «Наврўз кунда бир соат (пайт) бор, шу соатда Фируз (яъни бахт) фалаки руҳларни маҳ-

нотдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юрита бошлаган даврдан Наврўз нишонланган. Бундай тасавурлар эса Шарқда қадимларда пайдо бўлган. Шамсий ҳисобда ойларнинг номи ўн икки юлдуз туркумлари номидан олинган бўлиб, ҳар бири бурж деб аталади. Фирдавсийнинг «Ҳамал буржиги кириб қолганда офтоб» мисраси Куёнинг ҳамал (қўй) ойидаги ҳолатини ифодалайди. Наврўз ҳам аини шу ойда нишонланган.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» ва Садриддин Айнийнинг «Эсдаликлар» асарларида Наврўзнинг Урта Осиёда исломдан аввал ҳам байрам қилингани таъкидланади.

Ўзбекистонда нишонланадиган Наврўзни эса Муствақиллик Наврўзи дегим келади. Чунки у Истиқлол йилларида қайта кашф қилинди. Ийдан-ийлга қадри ортиб бормоқда унинг. У одамлар билан табиатни боғлаб турувчи, динни янги-янги, маънавий озуқа берувчи илоҳий бир гўзалликдир. Унинг ташрифидан эъзуликлар, ахшиликлар, савоблар, ёруғликлар турғилади. Кўзимиз-у кўнлимиз фақат гўзаллик билан тўқнашади. Айвонларда уя курган қалдирғочлар, бўғотда ку-қулашиб, бир-бирига меҳр изҳор қилаётган мусичалар, саррин елда чайқалаётган кўм-кўк майсалар, осмону фалакларда учиб юрган варақлар, тупроқдан таралаётган ажиб бир қадрдон бўй қишнинг совуқларини қайларгадир ҳайлаб юборди.

Бугун чор атрофимизда Баҳор қириллаётти. Унинг сеҳрли кулгуси борлиқни яшилликка бурқайди. Эртаниндин у бизга Янги Кун — Наврўзни олиб келади. Ушана

Ҳамал буржиги кириб қолганда офтоб, Жаҳон ёриб кетди, нурлариди об... дея Наврўзга пешвоз чиқамиз. Гулчера Йўлдошева, «Халқ сўзи» мухбири.

«ҲАМАЛ БУРЖИГА КИРИБ ҚОЛГАНДА ОФТОБ»

Баҳор бизни Наврўзга олиб боради. Наврўзни табиат билан инсон ўртасидаги меҳр-муҳаббатдан тугилган байрамдир, десак хато қилмаган бўлаемиз. Унинг пайдо бўлиш тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Шаклланиш жараёни географик муҳит ва жамият тараққиёти бо-сқичлари билан боғлиқдир. Дунёдаги турли халқлар Наврўз байрамини энг ёрқин ва табаррук ҳисоблаб, шоду хуррамлик билан ўтказганлар. У асрлар давомида одамларда она ер ва табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уни асраб-авайлаш туйғусини мустаҳкамлади. Шунингдек меҳнат ва маънавий тарбияда ҳам унинг роли бекиёс.

мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

Наврўз ҳақида ҳикоя қилувчи ривоятларда «ҳамал», «бурж» ва «йил боши» сўзлари ернинг ўзи ўқи атрофида айланишдан ташқари, Куёш атрофида айланиши билан ҳам боғлиқ. Бу ҳақда Берунийнинг «Қа-

луқотни яратишга ҳайдади... У куннинг энг соаатлари соатлари Куёш соатларидир, унинг тонгида ёруғлик имкон борича (ерга) яқинлашади, одамлар унга қараш билан ўзларини бахтли санайдилар.

Қўриниб турибдики одамлар Ер ва унинг кoi-



Суратлар муаллифи Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ.

ҲИҚМАТ
Уялма маърифатни ўрганурдан, Танур жойинг бўлур, қолсанг танирдан.

САҲНАДА 80 ЙИЛ
Фарғонада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, вилоят мусикали драма ва ҳажвия театри актёри Солижон Аҳмедовнинг ижодий фаолиятига 80 йил, таваллуд кунига 95 йил тўлангани кенг нишонланди. Солижон ақанинг ижодий йўли вилоят театрининг ташкил топиши ва ривожланиши билан chambarches боғлиқ. У илк саҳна сирларини Ҳамза Ҳакимзода Нўзай, Мария Кузнецова, Муҳиддин Қори Ёқубовлардан ўрганган, десак асло хато қилмаймиз. Кейинчалик Қўқон шаҳар театрини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Кекса санъаткор қадрдон даргоҳини ҳамон тарқ этгани йўқ. Турли ролларни имкон қадар ижро этиб турибди. Тадбирга йирилганлар устоз санъаткорга ижодий баркамоллик, узок умр, сиҳат-саломатлик тиладилар. Ҳ. мухбиримиз.

Спорт • Спорт • Спорт
БУГУН СОАТ 10:00ДА
Муайтай: Ғолиблар тақдирланади. Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Бугун мусобақаларнинг охири кун ва рингга финал иштирокчилари кўтарилишди. Ғолибларни нафақат қимматбаҳо совғалар, балки шу йилнинг май ойида бўладиган Осиё чемпионатининг йўлнамалари ҳам кутмоқда. Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йилги қитъа чемпионатида (25 август-1 сентябрь, Остона) мамлакатимиз муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди. 22 та мамлакат вакиллари иштирок қилган ушбу беллашуларда вакиллариимиз 4 та олтин (Э.Қутибоев, Б.Аҳмедов, Ф.Мусинов, Ж.Нурмахматов), 3 та кумуш (Д.Пуллатов, Ж.Юсупов, Х.Эшонхўжаев) ва 4 та бронза (Н.Хўжаёров, Ж.Ғулмонов, О.Қосимов, А.Зиёев) медалларини қўлга киритишди. Республика Муайтай федерацияси фаолият бошлагандан буюн жаҳон ва Осиё чемпионатларида жами 60 та медал қўлга киритилгани, 21 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 15 нафар спорт устаси етишиб чиққанлиги ҳам ижобий самарадан далолат беради.

КАРАТЭ: Чемпионатга старт берилади. Ёшларимизнинг энг сеvimли спорт туридан бирига айданган каратэ ҳам ўз мусулларини «Жар»га таъриф қилди. 1-2-3 март кунлари бўлиб ўтадиган 1984-1994 йилларда тугилган ўғил ва қиз болалар ўртасидаги республика чемпионатига 1000 дан зиёд спортчилар қатнашиб кутимокда. — Биргина Қорақалпоғистон Республикасидан учта жамоанинг иштирок этиши ҳам

беллашуларнинг нақадар шиддатли ўтишини кўрсатади. — дейди Каратэ миллий федерацияси бош котиби Бурҳон Раҳмонов. Демак, ишқибозларни бугун соат 10:00 дан бошлаб «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида кутамиз. **Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири. А.РИСҚИЕВ (ЎЗА) олган сурат.**

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
«ҒАЛЛАБАНК»
ўз акциядорларининг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.
КҮН ТАРТИБИ:
1. РАТБ «Ғаллабанк»нинг 2001 йилдаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 14 февраль кунини Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» бўйича мажлисда қилган маърузаларидан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2002 йилга белгиланган вазифалари тўғрисида.
2. РАТБ «Ғаллабанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2001 йилги бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.
4. Банк низомига ўзгаришлар киритиш ва устав капиталини ошириш тўғрисида.
5. Банкнинг 2002 йил фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Турли масалалар.
Мажлис 2002 йил 29 март кунини соат 10.00да қуйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.
Мажлис қатнашчилари 2002 йил 29 март кунини соат 9.00дан 9.45гача рўйхатга олинади.
Қўшимча маълумот ҳамда фикр-мулоҳазаларингизни билдириш учун телефонлар:
136-16-17, 136-11-05.
АТБ «Ғаллабанк» кенгаши. Умумий мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш ҳайъати.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!
СИЗЛАР УЧУН
«АСАКА» БАНК
БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРГА ҚУЙИШ ИМКОНИЯТИНИ ҚУЙИДАГИ ШАРТЛАР АСОСИДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:
ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фонз (йиллик) ставкаси
9 ойга	25%
6 ойга	24%
3 ойга	22%
1 ойга	20%

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фонз (йиллик) ставкаси
6 ойга	40%
3 ойга	36%

Депозит ва жамғарма сертификати муомалага нақд (бланка) шаклда чиқарилган. «АСАКА» банки даромад ва омонат суммасини ўз вақтида тўлиниши бўйича кафолат беради. Сертификатларни муддатидан олдин тўлаш имконияти ҳам кўзда тутилган. «АСАКА» банк депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ва тўлаш шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни сиз «АСАКА» банк бош офиси ва унинг ҳудудий филиалларида бевосита олишингиз мумкин.
ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БАНК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИ.

Бош офис	Тошкент шаҳри, Нукусе кўчаси, 67-уй, телефон: 120-82-26.
Тошкент шаҳар бўлими	Тошкент шаҳри, А.Қаҳҳор кўчаси, 73-уй, телефон: 120-83-73.
Автотранспорт филиали	Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 14-уй, телефон: 120-81-97.
Тошкент вилояти филиали	Тошкент шаҳри, И.Оқилов кўчаси, 40-уй, телефон: 120-84-08.
Юнусобод филиали	Тошкент шаҳри, Чимкент тракти, 79-уй, телефон: 125-11-06.
Сирғали филиали	Тошкент шаҳри, Массон кўчаси, 39-уй, телефон: 57-87-55.
Шайхонтоҳур филиали	Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, телефон: 120-84-31.

Шу билан бирга, «АСАКА» банкнинг бошқа вилоят филиалларидан ҳам сертификатларни сотиб олишингиз мумкин.

Саломатлик — туман бойлик

КИШЛОҚ АҲОЛИСИ ХИЗМАТИДА
Оналар ва болалар саломатлиги — бизнинг энг катта бой-дигимиз. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўлаб-қуватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган давлат дастурини амалга ошириш, жамиятда соғлом оналарни шакллантириш, турли касалликларга қарши мисалларни юзасидан кенг тушунириш ишларини олиб бориш мақсадида вилоят «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси томонидан сайёр гуруҳ ташкил этилди. Унинг таркибига тиббий-еғтимоий, психолог шифокорлари (гинеколог, терапевт, педиатр, соңолог, УЗИ мутахассиси, врач-невропатолог, лаборант) бор. Саломатлик посбонлари қисқа вақт мобайнида Бўстонлик туманининг Қорамқул, Хўжакент, Чорвоқ, Чинор қишлоқларидаги 20 та оила шароитини ўрганиб, 100 та яқин кишини тиббий кўриқдан ўтказишди. Ҳар битта оилга 14 хил турдаги дори-дармон жамланган аптекалар топширилди, жами 210 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди, тиббий завудга суҳ-батлар ўтказилди. Чорвоқ қишлоғида янвончи 150дан ортиқ қариялар, ёш оналар ҳам гуруҳ қизматидан баҳраманд бўлишди. Турли касалликлардан сақланишга оид буклетлар, рисодалар тарқатилди. Бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа туманлари ва қишлоқларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.
Г.ВАХОБОВА, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими директори.

САВОЛ БИЗДАН...
Қонун, ҳуқуқий ақлар каби ҳужжатларни таёрлашда дебюта сифатида ифодаланган қисм нима деб аталади?
Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: **Қайно**.
Бу ҳақда Ҳамза туманидан Сардорбек Жураев хабар берди. **136-35-60**

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ФАҶ ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ
патентшунослик соҳасида олий техник ва махсус маълумотга эга бўлган, хорижий тилларни ўзлаштирган, компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган **МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**
Кўрсатилган мутахассисликлар бўйича иш стажини камида 5 йил бўлиши лозим.
Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **700047, Тошкент шаҳри, Ҳўлиева (тоғлиқ) кўчаси, 2-қабат**
Телефон: 132-00-17, факс: 133-45-56.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг фохрийси Инам Юльчиева укаси
Илҳом ЮЛЬЧИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.
ЎЗ ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар селемик мустақамлиги институтини жамоаси катта илмий ходим Г.Аннақулова ва унинг яқинларига палари бузуққорни **Кўчор ота АННАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.
— Биргина Қорақалпоғистон Республикасидан учта жамоанинг иштирок этиши ҳам

Жиззах туман халқ таълими бўлими ва «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи **Турсунбой ХОЛИМАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.
Бағдод туманидаги «Халқ сўзи» фирмаси қошидаги «Ижодкорлар уйи» жамоаси уруш ва меҳнат фохрийси, журналист **Жўрабой Болтабоев**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.
«Шарқ» НМАК жамоаси компания моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи Равшан Жумабоевга онаси **Зебо ЖУМАБОВЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
«SAN'AT» журнали жамоаси бўлим мудири Гулноз Шариповага отаси **Тўлқин** ақанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОН,
О. ҚАЙПБЕРГОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сўсий хайт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Яшилликлар ва халқаро хайт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 294,
38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — С. ДОНИЕВОВ.
Мусаххач — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.0.
Топшириди — 21.50.
1 2 3 4 5 6